

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Давлат тест маркази жамоатчилик
кенгаши раиси

 И.Мирзаалиев

“ 12 ” октябрь 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги
Давлат тест маркази қошидаги Жамоатчилик кенгаши йиғилишининг
2022 йил 12 октябрдаги
3-сон йиғилиш
БАЁННОМАСИ

2022 йил 12 октябрь

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи:

И.Мирзаалиев – Жамоатчилик кенгаши раиси

Қатнашдилар:

Жамоатчилик кенгаши аъзолари

КУН ТАРТИБИ

1. Жамоатчилик кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш тўғрисида.

2. 2022-2023 ўқув йили учун республика олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишларига ўқишга қабул қилиш бўйича тест синовлари яқунлари тўғрисида.

Ф.Мирзаев - Давлат тест маркази Тест синовларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бош бошқармаси бошлиғи.

3. Марказ фаолияти тўғрисида тезкор ва батафсил ахборот олишнинг янги, замонавий шакллари жорий этиш, марказ сайти билан унга тегишли ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларини интеграция қилиш, хабар ва эълонларнинг жозибдорлигини ошириш, СММ (ижтимоий тармоқлар маркетинги) воситаси орқали кучайтириш ҳамда Ахборот хизматининг 2022 йил 9 ойлик фаолияти тўғрисида.

О.Бобоев - Давлат тест маркази Матбуот хизмати бўлими бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази қошидаги Жамоатчилик кенгаши раиси Мирзаалиев Икболжон Мирзакаримович йиғилишни очиб берди ва йиғилиш аъзоларини кун тартибидаги масалалар билан таништирди. Кун тартибидаги масалалар бир овоздан маъқулланди.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси кун тартибидаги **биринчи масала** юзасидан сўз юритиб, Жамоатчилик кенгаши котиби сифатида фаолият юритиб келган О.Мадиев бошқа ишга ўтганлиги сабабали Жамоатчилик кенгаши котиблиги вазифаси Давлат тест маркази раҳбарияти томонидан бош мутахассис Б.Комиловга юклатилганлиги бўйича Кенгаш аъзоларига ахборот бериб ўтди.